

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗААХМЕДОВА ЮЛДУЗ АНВАРОВНА

ТИЛДА ГЕНДЕРНИ ФАРҚЛОВЧИ МУЛОҚОТ ШАКЛЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Мирзааҳмедова Юлдуз Анваровна

Тилда гендерни фарқловчи мулоқот шакллари 3

Мирзааҳмедова Юлдуз Анваровна

Gender contrasting types of communication in language

Мирзааҳмедова Юлдуз Анваровна

Формы общения в языке, различающиеся по гендерному признаку

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗААХМЕДОВА ЮЛДУЗ АНВАРОВНА

ТИЛДА ГЕНДЕРНИ ФАРҚЛОВЧИ МУЛОҚОТ ШАКЛЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fi1288 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шахабитдинова Шохида Хошимовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Якубов Жамолiddин Абдувалиевич**
филология фанлари доктори, профессор

Хамроева Шахло Мирджановна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Улуқов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

М.И.Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний воситалар, матн, мулоқот шаклларида гендер ёндашувга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Гендер тадқиқотлар коммуникантлар тавсифи ва интенциясини ижтимоий, психофизиологик механизмлар асосида тадқиқ қилиш имконини бериши, миллий-менталитал хусусиятларини очиқ бериши билан муҳимдир. Шу жаҳатдан янги аср тилшунослигида тилда гендернинг акс этиши муаммоларига бағишланган илмий изланишлар миқдори ортиб бормоқда.

Дунё тилшунослигига ўтган асрнинг 70-йилларида анъанавий ижтимоий фан концепцияларидан қоникмаган феминизм назарийчилари Ғарб фанига нисбатан назарий эътирозларини ҳамда маданият таҳлиliga оид янги назарий-услубий ёндашувларни тобора кўпроқ айта бошладилар. Феминистик ғоялар маданиятнинг турли соҳаларига кириб бориши ниҳоятда жадал суръатлар билан давом этди: ҳаммани ҳайратга солган мунозаралар ва ҳис-ҳаяжонларнинг тўфонини кўзғотган анъанавий маданиятнинг гендер концепцияси тилшуносликка ҳам кириб келди. Гендер тилшуносликини лисоний ва нолисоний омиллар яхлитлигида тавсифлаш ҳамда уларни ифодаловчи тил бирликларининг тавсифи ва таснифини амалга ошириш замонавий тилшуносликнинг амалий йўналишлари учун зарур.

Мамлакатимиз тилшунослигида гендер лингвистикаси йўналиши бўйича йирик тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Бизнинг фикримизча, тилшуносларни қизиқтириб келаётган, бир неча фанларнинг чорраҳасида ҳосил бўлувчи миллий, маданий жиҳатларни яққол намоён этувчи гендер лингвистикаси ўзбек тилшунослигининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. ЮНЕСКО ташаббуси билан 2019 йилдан Ўзбекистон таълим мазмунига ҳам гендер тенглик, гендер ёндашув татбиқ қилинди. Бу эса тадқиқот мавзусининг янги Ўзбекистон таълим тизими учун ҳам муҳим эканлигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги замон тилшунослигида гендер тадқиқотлар илмий-методик йўналишдаги қатор соҳаларни: когнитив тилшунослик, лингвокультурология, социолингвистика ва психолингвистикани боғловчи жадал ривожланаётган фан соҳасидир. Маълумки, гендер масаласи жаҳон тилшунослигида энг долзарб соҳалардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида бу йўналишда бир қатор изланишлар олиб борилган. Дастлаб “гендер” тушунчаси тарихчилар, социологлар ва психологлар томонидан қабул қилиниб, кейинчалик лингвистик тадқиқотлар соҳасида долзарблик касб этди. Жумладан, жаҳон тилшунослигида М. Росалдо, Л. Ламферет, П. Унер, А. Рич ва Г. Габин Ж. Коатес, Т.Лауритес, Р.Лакоф, Д.Танен, П.Норрис, Ш.Берн, М.Стуарт²лар томонидан гендер масаласи махсус ўрганилган. Тадқиқотларда гендер ёндашувнинг асоси, ўрганиш технологиялари, тил ва аёллар, мулоқот жараёнида эркак ва аёл муносабати, аёл, медиа ва сиёсат, аёлнинг янги фалсафаси каби масалалар тадқиқ этилган.

Рус тилшунослигида нейролингвистика бўйича Л.С. Выготский, А.Р.Лурия; психолингвистика бўйича А.А.Леонтьев, Ю.Н. Караулов, А.А. Залевская; когнитив лингвистик бўйича Е.С. Кубрякова, А. Вежбицкая, З.Д.

² Stuart M. Subjection of women. - New York: Barnes&Noble, 2005. – 129 p.; Lauretis T. de. Technologies of Gender. - Bloomington: Indiana University Press, 1987. – 218 p.; Lakoff R. Language and woman’s place. - London: Harper and Row Publishers, 1975. – 84 p., Tannen D. You just don’t understand. Women and men in conversation. – New York: Harper Collins Publishers, 1991. – 358 p.; Pippa Norris. Women, media and politics. – Oxford: Oxford University Press, 1997. – 288 p.; Tannen D. You just don’t understand. Women and men in conversation. – New York: Harper Collins Publishers, 1991. – 358 p.; Hilary Lips M. A new psychology of women. Gender, culture and ethnicity. – New York: Radford University, 2003. – 491 p.; Tannen D. Gender and discourse. – N.Y. : Oxford University Press, 1994. – 244 p.

Попова, И.А. Стернин; гендер тилшунослик бўйича эса А.В. Кирилина³, И.И. Халеева⁴, Е.И. Горошко, О.А.Воронин, Е.А.Картушин⁵ ва шу кабилар ўз тадқиқотларида лисоний бирликларнинг гендер хусусиятларини турли аспектларда ўрганишган.

Ўзбек тилшунослигида гендер масаласини алоҳида муаммо сифатида ўрганишга оид тадқиқотлар энди пайдо бўлмоқда. Хусусан, Ш.Искандарова аёллар нутқида учрайдиган хос лисоний бирликларни⁶, Ф.Мусаева ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши⁷ кабиларни тадқиқ қилган. Ўзбек тилшунослигида гендер бўйича олиб борилаётган ишлар ҳали янгилик бўёғини йўқотмаган, бироқ жинс тушунчасининг ифодаланишига доир ишлар анчагина.⁸ Ўзбек ва бошқа тилларда жинс категориясига оид қарашлар тавсифий ва қиёсий характерда очиқ берилган ишлар⁹ қаторида М.Расулованинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади.¹⁰ Эътиборга молик айрим ишларга қарамай¹¹, ўзбек мулоқот вазиятлари эркак ва аёллар нутқи мисолида махсус, тўлалигича ўрганилмаган. Р.С.Ибрагимова ўзининг

³ М., қаранг: Кирилина А.В. Некоторые итоги гендерных исследований в российской лингвистике // Gender, Language, Culture, Communication: Материалы третьей международной конференции 27-28 ноября 2003. – М.: МГЛУ, 2003. – С. 12-17.; Воронина О.А. Теоретико-методологические основы гендер-ных исследований // Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций/ Под общ. ред. О. А. Ворониной. – М.: МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001. – С. 13 – 95.; Картушина Е.А. Гендерные аспекты фразеологии в массовой ком-муникации: автореф. ...канд. филол.наук. – Ижевск: Удмуртский государственный университет, 2003. – 26 с.;

⁴ М., қаранг: Халеева И.И. Интрига познания // Гендерный фактор в языке и коммуникации. – Иваново, 1999. – С. 9-15., Рябова Т.В Мужественность и женственность в политическом дискурсе современного российского общества. – М., 2004. – С. 208., Кирилина А.В. Гендерные аспекты массовой коммуникации // Гендер как интрига познания: Сборник научных трудов. – М., 2000. – С. 47-80.; Ажгихина Н. Гендерные стереотипы в масс-медиа // Гендерные исследования. – Харьковский Центр гендерных исследований, 2000. – № 5. – С. 26 1-273.; Берн Ш. Гендерная психология. – СПб. : Прайм-ЕВРОЗНАК, 2002. – 318 с.;; Нуртазина М.Б. Сейгульдинова Г.Д. Гендер как регулятор и вы-разитель взаимодействия коммуникантов // Вестник ЕНУ. Серия гуманитарные науки. – Астана, 2006. – №1. – С. 132-136.; Токтарова Т.Ж. Гендерный аспект коммуникативного поведения // Вестник КазНУ. Серия филологическая, 2006. – № 61. – С. 157-160.

⁵ М., қаранг: Горошко Е. И. Особенности мужских и женских вербальных ассоциаций (Опыт качественной интерпретации) // Gender, Language, Culture, Communication: Доклады Второй Международной конференции. – М., 2002. – С. 77-86.; Григорян А.А. Дискурс и гендер // Gender, Language, Culture, Communication: Материалы Третьей международной конференции 27-28 ноября 2003. – М. : МГЛУ, 2003. – С. 36.

⁶ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: филол.фанл. номз.дисс....автореферати. – Самарқанд, 1993. – Б.19.

⁷ Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши: филол.фанл. бўйича фалс.докт.дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – Б.24.

⁸ Кононов А. Н. Грамматика узбекского языка. – Ташкент: Госиздат, 1948. – С. 31-32. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 208-209. Бегматов Э.А. Исmlарда жинс тушунчасининг ифодаланиши // Ўзбек исmlари имлоси (Русчада ёзиш масалалари). – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 363-379.

⁹ Решетова Л., Умуров Қ. Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик хусусиятлари / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – №6. – Б. 31-35. Дадабоев Ҳ. Илк эски ўзбек тилида эркак жинсининг ифодаланиши / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – №5. – Тошкент, 2011. – Б. 31-35. Хўжаниёзова Ш. “Девону луғотит турк”даги умумий ва фарқли маъноли лексик бирликлар хусусида / Докторант, аспирант, тадқиқотчи ва талабаларнинг илмий-назарий конференцияси мақолалар тўплами. Тошкент, 2010. – Б. 78-82. Хўжаниёзова Ш. “Девону луғотит турк”даги ҳайвонлар жинсини ифодаловчи лексемалар / Лингвист. Тошкент, 2010. – Б. 84-87. Йигиталиев У. “Жинс” концептининг семантик-функционал тадқиқи // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 2017. – №4. – Б. 81-83.

¹⁰ Расулова М. Жинс тушунчасининг турли тилларда ифодаланишига доир //Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1997. – №3. – Б. 66-69. Расулова М. Ҳайвон номларида жинс тушунчасининг ифодаланиши // Халқ таълими, 1997. – №1. – Б. 117-119. Расулова М. Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 87-89.

¹¹ Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. ДДА. – Т., 2000. – 44 б.

«Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи» номли ишида гендер термини ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Гендер термини, даставвал, социология фанига А.Оаукли ва Н.Земон Давислар¹² томонидан киритилади. Француз тилида унинг қуйидаги номларини учратиш мумкин: “*catégorie sociale de sexe*”, “*études de genre*” ёки “*théorie du genre*”. Г.Рубин жинс ва гендер фарқини “*porte-manteau*” corporel¹³ образи кўринишида келтиради. Шу тариқа “ижтимоий жинс” тушунчасини ифодалаш учун гендер (gender) термини қўлланила бошланди. Фарб олимлари жинслар орасидаги фарқларни аниқлашда *une polarité masculine, une polarité féminine, une polarité mixte*¹⁴ атамасини қўллашган. Гендер юнонча *genos* сўзидан олинган бўлиб, *келиб чиқиш, моддий ташувчи меросхўр, тугилаётган*¹⁵ каби маъноларни англатади. XX асрнинг 60-йиллари охирида файласуфлар ва социологлар томонидан икки тенденция: биологик жинс ва ижтимоий жинс фарқларини ажратиб олиш ғоялари илгари сурилади”¹⁶. Аммо шу кунга қадар тилда биологик жинс тушунчасини ифодалашнинг лексик-семантик, морфологик, синтактик ва аралаш усуллари яхлит монографик назарий тадқиқот доирасида ўрганилган эмас. Бу эса ушбу диссертация ишининг мавзуси муҳим эканлигини яна бир қарра исботлайди. Мазкур тадқиқот сўзлашувчининг ихтиёрий (спонтан) нутқи, бадиий ва публицистик, ҳатто расмий услубга хос матнларнинг гендер хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилни система сифатида тадқиқ этиш, татбиқий тилшунослик, когнитив тилшунослик” мавзуси билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нутқнинг ҳамда мулоқот вазиятида иштирок этувчиларнинг гендер хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гендер тилшунослигининг турли назарияларини кўриб чиқиш ва замонавий илмий нутқда ноаниқ бўлган “гендер” тушунчасини аниқлаш;

гендер тилшунослиги тадқиқотларидаги тенденцияларни таҳлил қилиш ва ушбу тадқиқот учун энг истиқболли йўналишларни аниқлаш;

гендер тадқиқотларини ўтказишда мавжуд ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, олдиндан кўриш, уларни келажакда кўриб чиқишга ҳаракат қилиш;

¹² Қаранг. Ибрагимова Р.С. Le genre, un outil nécessaire: Introduction à une problématique. Résumé par S.Blatmann. //www. hcci.gouv.fr/note/genre-femme-developpement

¹³ Қаранг: Rubin G. The traffic in women. Notes on the Political Economy of sex in Towardsan anthropology of women, 1975. – P. 157-210.

¹⁴ Қаранг: Thierry Lodé. La guerre des sexes chez les animaux. www.fr. wikipédia/ Polarité. – Paris, 2006.

¹⁵ Қаранг:Пищулина О.Н. Использование гендерной парадигмы в современной социологической теории // Методология, теория та практика соціологічного аналізу сучасного суспільства: Збірник наукових праць. – Харків: Видавничий центр Харківського нац. університету ім. В.Н. Каразіна, 1999. – С. 36-38.

¹⁶ Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи: филол.фанл.номз. ... дисс.автореф. – Т., 2012. – С.9.

гендер тадқиқотларининг антиномик зиддиятларини муайян жинс вакилларининг нутқий хулқ-атворининг белгиланган стереотиплари билан кўрсатиш;

танланган матннинг гендер хусусиятларини турли тил сатҳларида кўриб чиқиш;

матннинг лексик ва семантик мазмуни жиҳатидан жинсга оид ва жинсга йўналтирилган нутқ ўртасидаги фарқларни кўрсатиш;

матннинг жинсга хос лингвостилистик хусусиятларини очиб бериш;

беихтиёр (спонтан) ҳосил бўлган матнда гендер фарқларининг мавжудлигини ўрганиш;

гендер фарқларининг хусусиятларини нутқ ўстириш мисолида таҳлил қилиш;

бадий матнларда сўзлашув нутқида доир актларнинг гендер хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бадий, сўзлашув, публицистик матнлардаги эркалар ва аёллар нутқи олинган.

Тадқиқотнинг предмети нутқ ва коммуникатив хулқ-атворнинг гендер хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, суҳбат, дистрибутив, структурал ва статистик таҳлил каби бир қатор усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва бошқа тилларда мулоқот қилувчи эрка ва аёллар нутқий хулқ-атворининг нутқнинг тезлиги, миқдори, грамматик ҳамда луғавий шаклланиши билан боғлиқ стереотиплари очиб берилган;

матннинг грамматик-гендер, лексик ва семантик-гендер, лингвостилистик-гендер имкониятлари ҳамда мулозамат, сир сақлаш, босиқлик, лутф, гендер чегараланганликнинг мулоқотда бўйсунувчанлик, ҳиссиётлилик, мавзуда маишийлик – феминлик ҳамда мулоқотда етакчилик, кескинлик, мавзуда глобаллик – маскулинлик ментал хусусиятлари аниқланган;

гендер аспектида тартибга солинган ва спонтан дискурса мавзу танланиши, суҳбатдошларнинг мулоқот жараёнидаги иерархияси, вербал ва новербал ифода – мимика, гавда ҳаракатидаги гендер фарқлари, аёллар ва эркалар нутқининг синтактик қурилишида эллиптик, гипотактик, кўчирма конструкцияларнинг ўрни, ҳиссиёт, баҳо, тасдиқ-инкорларнинг семантик тузилиш қолиплари аниқланган;

жинс категорияси бўлмаган тилларда ҳам ушбу мазмунни ифодалашнинг синтактик, лексик, морфологик имкониятлари мавжудлиги, ўзбек тилида аёл ва эрка сўзловчилар мавжуд лисоний воситалардан фойдаланишда, асосан, лексик жиҳатдан фарқланиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда қўлга киритилган илмий натижалар мамлакатимизнинг гендер тилшунослигини назарий жиҳатдан

бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, бадий, публицистик, сўзлашув матнлари мисолида амалга оширилган гендер таҳлиллар лингвомаданиятшунослик, нутқ маданияти, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика фанлари бўйича яратиладиган ўқув қўлланмалари, дарсликлар ҳамда тадқиқотларнинг мукамаллашуви учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тилда гендер хосланган мулоқот шакллари ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

тил ва нутқнинг фарқлари, тил бирликларининг узул ва оккозионал семантикасидаги ўзига хосликлар, тилшунослик ва бошқа фанларнинг ўзаро алоқалари, амалий тилшунослик тамойиллари, тилнинг турли сатҳлари бирликлари амалини кузатиш каби масалалар борасидаги илмий хулосалардан ОТ-Ф8-057 рақамли “Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш” (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 89-03-3386-сон маълумотномаси). Натижада тилдаги гендер унсурларнинг илмий талқини ва амалий таҳлили янги босқичга кўтарилган;

дунё тилларида тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, уларнинг шаклий - мазмуний тузилишидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларни аниқлаш, хусусан, гендер фарқли бирликларнинг услубий, мазмуний, структур ҳамда вазифавий ўзига хосликлари каби масалалар тадқиқида, шунингдек, гендер белгили мурожаат шакллариининг социолингвистик, психолингвистик хусусиятларига оид хулосалардан ИТД-1-57 рақамли “Ўзбек тилини татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” (2012-2014) номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 2 июлдаги 89-03-2651-сон маълумотномаси). Натижада гендер фарқланган бирликларнинг психолингвистик ва социолингвистик жиҳатлари очиб берилган;

дунё тилларида тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини аёл ва эркеклар орасидаги нутқий муносабатларда очиб бериш, аёллар ва эркекларнинг ижтимоий мавқеларини, умуман маданият ва инсоният тарихини тадқиқ этишга гендер ёндашувда мурожаат шакллариининг социолингвистик, психолингвистик хусусиятларини ўрганишдаги назарий хулосаларидан, шунингдек, француз ва ўзбек мулоқот одати тенденциялари қиёсига доир натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён”, “Жаҳон адабиёти” номли эшиттиришларида (2021 йил март ва апрель ойлари) фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 апрелдаги 04-25-653-сон маълумотномаси). Натижада радио тингловчиларнинг жаҳон адабиётида акс

этган мулоқот маданияти намуналаридан баҳраманд бўлишида илмийлик мезони таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 127 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби “Гендер тилшуносликнинг фундаментал назарий асослари ва гендер назарияси” деб номланган ва тўрт қисмдан иборат: “Гендер тушунчаси. Гендер таърифи. Гендер назариялари”, “Тилшуносликдаги гендер тадқиқотлар”, “Гендер тилшунослигининг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар”, “Гендер тадқиқотлари ва мулоқот хулқининг стереотиплари”. Ушбу бобда тилшуносликдаги гендер назариясининг умумий масалалари кўриб чиқилади.

Тилшунослик ва социологияда қўлланадиган “гендер” тушунчаси “жинс” (ингл. gender) атамаси билан боғлиқ, аммо у билан айнан бир хил эмас. Сўнги ўн йилликларда хорижий давлатларда гендер муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган тадқиқотлар етакчилик қила бошлади. Бу нафақат инсоннинг биологик хусусиятларини очиб берувчи, балки ижтимоий, лингвокультурологик омилларга боғлиқ хусусиятларни очиб беришга қаратилган тадқиқотлардир.

Н.А.Блохинанинг таъкидлашича, “жинс” (биологик жинс) ва “гендер” (ижтимоий-маданий жинс) атамалари ўртасидаги фарқ фанга психолог Роберт Столлер ва эндокринолог Жон Мони томонидан киритилган. Дастлабки, бир оз мавҳум ва ҳозиргача тадқиқотчилар томонидан тан олинадиган гендер назарияси таърифи эса Анн Оаклига тегишли. “Жинс” (sex) – бу эркак ва аёл ўртасидаги биологик фарқлар билан боғлиқ бўлган

сўз: жинсий аъзолардаги аниқ фарқ, репродуктив функцияга тегишли фарқ. “Гендер” (gender) эса маданий мавзу предметиدير: “эркак” ва “аёллик” феминлик ва мускулинлик тушунчаларининг ижтимоий таснифи билан боғлиқ. Гендер барқарорлик қандай тан олинса, гендер хилма-хиллик ҳам шундай тан олинши лозим.¹⁷

Л.Н.Пушкареванинг ёзишича, қадимги олимлар ҳам грамматик род ва биологик жинс ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ўйлашган, бироқ узоқ вақт давомида (шу жумладан Ўрта асрларда) грамматик род (genus) тушунчаси табиий ҳодиса – эркак ва аёл жинсини (нар ва мода) сифатида акс эттириш билан узвий боғлиқ деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун мужской род ифодаладиган номларда куч, энергия, шижоат, фаоллик акс этса, женский родга кирувчи отларда – пассивлик, заифлик, орзумандлик ва гуноҳкорлик билан боғлиқ сўзлар ифодаланади, деб ишонганлар. Бироқ кейинчалик жинс умуман лисоний фарқланмаган ёки “мужской род” ва “женский род” иккита алоҳида лисоний вариант сифатида мавжуд бўлган тиллар кашф қилинди. Шунинг учун ҳозирги вақтда отларнинг жинс категориясига соф лингвистик категория сифатида қаралади, яъни муайян келишиқ кўшимчаларини қабул қилиши ва ўзига хос мослашиш хусусиятларига эга сўзлар синфи сифатида қабул қилинади. Мужской ва женский роддан ташқари, тил ва онгда “жинс” тушунчаси мавжуд – эркак ва аёл. Бу фақат жонли нарсаларга тегишли. Жинс жонли нарсаларни билдирувчи отларнинг икки тоифасидир: одамларда – эркаклар ва аёллар, ҳайвонларда – нар ва мода; бу инсоннинг иродасидан ташқарида бўлган биологик табиий ҳодисадир.¹⁸

“Гендер” атамаси, А.В.Кирилина ёзганидек, тилшуносликдан (инглизча gender – грамматик род категориясидан) олинган ва ижтимоий фалсафа, социология, антропология, тарих, шунингдек сиёсий мунозара каби фанларнинг тадқиқот майдонига кўчирилган. Кўчириш уни sexus (sex) (жинс) атамаси – биологик жинс билан таққослаш учун амалга оширилди, чунки бу тушунча нафақат табиий детерминизм билан, балки эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлар билан, меҳнатнинг жинслараро тақсимоти, тенг бўлмаган талаблар ва жамиятнинг эркаклар ва аёлларга бўлган муносабати билан боғлиқдир.¹⁹

Аксарият хорижий муаллифлар феминистик назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган аёллар тарихининг сўзсиз гендер билан боғлиқлигини эътироф этишлари билан ажралиб турадилар. 80-йиллардаги дастлабки тадқиқотларда гендер тарихи ёки жинслар тарихи янгиланган ва тўлдирилган аёл тарихи деган фикр кўпчилик томонидан таъкидланган. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотларда ушбу йўналишларнинг аниқ чегараси кўрина бошлади. Бу, эҳтимол, маълум бир мустақилликнинг гендер тарихи ва унинг илмий доираларда тан олинши билан боғлиқдир.

¹⁷ Блохина Н.А. Понятие гендера: становление, основные концепции и представления // Общество и гендер. – Рязань: АВГ, 2003. – С.302.

¹⁸ Пушкарева Н.Л. Женщина. Гендер. Культура. – М.: Терра, 1998. – Б.19

¹⁹ Кирилина А.В. Некоторые итоги гендерных исследований в российской лингвистике // Гендер: Язык, Культура, Коммуникация. Материалы Третьей Международной Конференции. – М., 2003. – С. 12.

“Аёллар тарихи” фандаги феминистик йўналиш бўлиб, мақсади “аёллар тарихи”ни эркаклар тарихидан ажратиб кўрсатишдир: масалан, С. Ортнер, М. Девин, М. Росалдо аёлларнинг тарихдаги ролини кўрсатишга интилди. Бу йўлда кўпинча илмий объективликка путур етди: тарихда эркак ва аёл ролларининг тенглигини исботлаш истаги далилларнинг бузилишига олиб келди.²⁰

Феминистлар жамиятда патриархия устунлик қилади ва барча матнлар ва дискурсив амалиётлар патриархал, яъни эркакларга оид қадриятларни шахсларга сингдиради деган тезисни илгари сурдилар.

Гендер тадқиқотлари аёлларга оид тадқиқотлар доирасида бошланди. Аёллар тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, гендер тадқиқотларида иккита объект бор – эркак ва аёл. Агар аёлларнинг тадқиқотлари мақсади фақатгина аёлларни ўрганиш бўлса, гендер тадқиқотида марказий нукта – бу гендер фарқлар ва ўхшашликларни, биринчи навбатда, жинсни ижтимоий-психологик ва ижтимоий-маданий хусусиятлари призмасида ўрганишдир.

Феминистик тадқиқотлар аёлларнинг жинси, ҳаёти ва яшаш шароитлари ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Феминистик тадқиқотлар тадқиқот жараёнини тубдан сиёсийлаштириш билан тавсифланади. Гендер тадқиқотларида бундай аниқ сиёсий юк бўлмайди. Кейинчалик, “гендер” тушунчаси тилшунослик доирасига кириб келди. Ушбу масала бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда гендерни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиши шубҳасиз. Ўзбек тилшунослигида тил бирликлари тавсифида жинс белгиси нейтрал тадқиқотлар устунлик қилади. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, ўзбек тилида гендер мазмунли махсус категорияларнинг мавжуд эмаслиги, гендер фарқларга эътибор нафақат ўзбек, балки гендер кўрсаткичларга эга тилшуносликларга ҳам анъанавий хос бўлмагани, татбиқий-амалий тилшунослик йўналишларининг энди ривожлана бошлагани кабилар билан боғланади. “Гендер” атамасининг ўзи ҳам тилшунослигимиз учун янги, ўзининг пайдо бўлиш тарихи, ўзининг мураккаб фойдаланиш анъаналарига эга тилда бу термин бўлмаган. Шу муносабат билан бизнинг гендер тадқиқотларимиз муқаррар равишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Хорижий тилшуносликда гендер йўналишлари шаклланди, бир томондан, тилда қайд этилган феминлик ва мускулинлик стереотиплари, шунингдек, гендер ассиметрияси, иккинчи томондан, эркак ва аёлларнинг нутқий хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганила бошланди.

Инсонларнинг гуруҳларга – синфларга бўлиниши ва синфлар орасидаги муайян рақобат инсоният тарихининг асосий ташкил этувчиларидандир. Фалсафий қарашларнинг энг қадимги ва энг кенг тарқалганларидан бўлган диний қарашларда ҳам аёл ва эркак муносабатларига кенг ўрин берилган. Дастлабки инсон эркак эди. Аёл ундан

²⁰Қаранг: <https://konspekt.com/referat-24215-doklad-gendernye-issledovaniya-v-zarubezhnoj-i-rossijskoj-lingvistike>.

кейин(эркакнинг бир қисмидан - қовурғасидан) яратилди. ²¹Турли халқларнинг мифологик қарашларида дастлабки одам жинссиз ёки икки жинсли бўлгани ҳақида сўз боради. Масалан: “Гайа Марган (Каюмарс) ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Mazda (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: хўкиздан ва одамдан ташкил топган экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг...одам қисмидан эркак ва аёл жинси...вужудга келади”.²²Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихида гендер муносабатларга бўлган турлича муносабатлар асосан қуйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олади(турли давр ва маданиятлар талқинидаги хилма-хиллик асосан юзаки - шаклий соҳаларга тааллуқли бўлиб, моҳият деярли бир хил): 1.Эркак ва аёл муносабатлари тириклик шаклидир: эркак аёлсиз, аёл эркаксиз яшай олмайди. 2.Эркак ақлий, жисмоний (ва илоҳий) жиҳатдан аёлдан устун. 3.Аёл эркакка нисбатан ақлан ва жисмонан заиф, ҳимояга муҳтож. 4. Аёлнинг эркакка ва эркакнинг аёлга ўхшаши салбий хусусият. 5. Эркак жамиятда, аёл оилада ўз ўрнини топади ва ҳқз. “Жинснинг биологик хусусиятларидан фарқли ўлароқ ижтимоий ва маданий рамзий хусусиятларда эркакларга хос деб ҳисобланадиган ёки унга ўхшатиладиган барча тушунчаларда ижобий, аҳамиятли ва устун деб белгиланадиган қадриятли йўналишлар мужассамлашган бўлади. Аёлларга хос деб ҳисобланган хусусиятлар эса салбий, иккиламчи ва бўйсунувчан деб қаралади”.²³ Инсоният тарихига назар ташласак, жамият тараққиёти ёки таназули юқорида санаб ўтилган фарқларга турлича муносабат билдиришга олиб келади(масалан, таназулга юз тутган жамиятларда заифлиги учун аёллар хўрлансалар, тараққиёти юксак жамиятлар айнан шу жиҳати учун аёлларни эъзозлайдилар), бироқ ҳеч бир жамият бу фарқлар мавжудлигини рад этмайди. Гендер муносабатларнинг бундай шакли инсон тафаккур шакли ҳам бўлиб қолган. ХХI аср фани тараққиётида алоҳида ўрин тутаётган постмодернизм: “...тилда инсоннинг дунёга муносабатини белгилайдиган асосий кучни кўради...инсон борлиқни фақат тил орқали қабул қилади. Тилга хос маънолар инсон онгини унинг тафаккурини маълум бир ўзанга йўналтириб ва дунё манзарасини яратиш шакллантиради”.²⁴ Шундай экан миллат тилида – миллат онгида шаклланган оламнинг лисоний манзарасида албатта унинг гендер қарашлари ўз аксини топади. Ижтимоий ҳаёт асосан эркаклар фаолияти билан боғланиши, масалан, касб-хунар номларининг кўпчилигида эркаклик концепти турғунлашувида олиб келган(асосан, аёллар учун хос бўлган касблардан ташқари): *деҳқон, савдогар, тадбиркор* каби сўзлар билан аёл кишини номлаш одатда ушбу сўзларни аёл сўзи билан боғлашни тақозо қилади: *тадбиркор аёл, савдогар аёл. Деҳқон аёл* бирикмасида эса аёллик концептини юзага келтириш учун бу сўз

²¹ Рабғузий Н.Б. Қиссаси Рабғузий.1 том. – Тошкент: Ёзувчи,1990. – Б.18-19

²² Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи,1965. –Б.48-49

²³ Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётга кириш. – Тошкент: 2007. – Б.37

²⁴Кирилина А.В. «Мужественность» и «женственность» с точки зрения лингвиста// Женщина в российском обществе. 1998. №2. – С.21.

қўлланилиши ҳам камлик қилади, киноя ва салбий тус пайдо бўлади. Жинс категорияси мавжуд бўлган тилларда ҳам аёллик жинсини билдирувчи сўз одатда эркаклик жинсини англатувчи сўздан ҳосил қилинади: Русча: *учитель – учительница, рабочий – работница*

Французча: *instituteur- institutrice, ouvrier- ouvriere*. Шу билан бирга, ҳамма касб билдирувчи сўзлардан ҳам аёллик шаклини ясаб бўлмайди, ясалган тақдирда, муайян салбий туслар юзага келади: *шофер – шофериха*. Миллат лисоний онгининг бадий ифодаси бўлган мақол ва маталларда гендер муносабатлар яққол акс этади: Хотин – бўйин, эр – бош. Эр-хотин – қўш ҳўкиз. Эр – даладан, хотин – уйдан. Р.С.Ибрагимова ўзбек ва француз тиллари материаллари асосида аёллик концептини қиёсий аспектда тадқиқ қилар экан, 365 та гендер компонентли паремаларни таҳлил этган. Уларда ушбу концепт ҳам ижобий, ҳам салбий тусга эга бўлишини кўрсатиб берган.²⁵ Умуман олганда, ҳар бир тил ўзида гендер фарқларни яққол намоён қилади. Бундай ҳолатларнинг тадқиқи тилдан амалий фойдаланиш учун зарурийдир. Тилда гендер омилини ўрганишнинг навбатдаги стимули экзотик ибтидоий тилларнинг кашф қилиниши бўлиб, у эрда эркак ва аёл версиялари ҳатто, алоҳида эркак ва аёл тилларига бўлиниш мавжуд эди. Ўзгарувчанликнинг баъзи бир тавсифлари учун умумий бўлган нарса шундаки, эркак версияси тилнинг ўзи, аёл версияси эса ундан оғиш сифатида қабул қилинди.²⁶

XX бошларида “Тил ва жинс” мавзуси Ф. Маутнер ва О. Есперсеннинг эътиборини тортди. А.В. Кирилиннинг сўзларига кўра, бу даврда ибтидоий ривожланиш босқичидаги халқлар орасида тил унинг ташувчиларининг жинси, тиллардаги тафовутлар тўғрисида тўпланган маълумотлар тилшунос ва файласуфларни Жанубий-Шарқий Осиё ва Европа тилларида ҳам гендер тафовутлари бўлиши мумкинлиги ғоясига олиб келди. 1913 йилда Маутнернинг тилни танқид қилишга бағишланган асари нашр этилди, унда олим тилдаги гендер тафовутларни тан олиб, уларни ижтимоий ва тарихий сабаблар билан изоҳлади.²⁷

1922 йилда О.Есперсен тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши бўйича фундаментал тадқиқотининг бутун бир бобини аёл тили компетенциясининг ўзига хос хусусиятларига бағишлади. Шунини таъкидлаш керакки, ишда у норма сифатида тушунадиган эркак тили ҳақида боб йўқ, аёл тилини эса оғиш ҳисоблайди. Шу билан бирга, у ўз даврида гендер омилининг таъсири масаласини тўлиқроқ изоҳлаган, аммо кейинги даврдаги қарашлари жиддий танқид қилинган. Бунинг сабаби, у ўз хулосаларини фақат шахсий

²⁵ Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи. Филол. фанл. номз... дисс. автореф. - Тошкент, 2012. – Б.4-5.

²⁶ Кирилина А.В. Развитие гендерных исследований в лингвистике. // Филологические науки, 1998. №2. – С. 58

²⁷ Mauthner, F. Beiträge zu einer Kritik der Sprache [Text] / F. Mauthner. – 3 Auflage. – Stuttgart und Berlin, 1921. – Bd. 1 (zur Sprache und zur Psychologie).

кузатишлар асосида чиқарган, аммо кўпчилиги етарли даражада асосланмаган.²⁸

Р.С.Иброҳимованинг тадқиқотлари гендер тилшунослиқда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, ундаги қуйидаги таҳлиллар эътиборга моликдир: “Янги катта француз-рус фразеологик луғати” таҳлилга тортилганда 101та аёл компонентли фразеологик бирликлар коннотацияга эга эканлиги аниқланди. Ўзбек мақоллар тўпламида 365та гендер компонентли мақоллар келтирилган бўлиб, гендерни ифода этган ўзбек маданияти тил материалларида ёш қизнинг концептуал сиймосини яратиш имконини берувчи ўлчовлардан бири унинг ибоси ва ҳаёси эканлиги таъкидланди: Пардали қиз – парига тенгсиз, баъзан паремиялар контрастив-гендер тарзда ёнма-ён келади: Қиз – овулнинг кўрки, йигит – овулнинг эрки. Бундан ташқари аёллардаги ижобий белгиларнинг аҳамиятлидир: меҳнаткашлик: Хотиннинг ишчан бўлса, сафарда хатар йўқ, билимли аёл: Билимли аёл – эр, *Femme de tête*, яхши хотин: Яхши хотин – хазина.²⁹ Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида аёл компонентли бирликлар француз тилидагидан фарқли ўлароқ, асосан, ижобий маънолар билан боғлиқ экан.

Замонавий гендер тилшунослигида барча тадқиқотлар иккита катта соҳага бўлинган:

1) “Аёлларга қарши қаратилган тил тизимидаги асимметриялар” ни аниқлаш учун тилни таҳлил қилиш кетмоқдаки улар таклиф этаётган олам манзарасида аёллар иккинчи даражали роль ўйнайди ва асосан салбий характерга эга бўлади;

2) эркаклар ва аёлларнинг нутқ хатти-ҳаракатларининг гендер хусусиятларини аниқлаш учун нутқни таҳлил қилиш.³⁰

Биринчи йўналиш доирасида аёлларнинг қайси жиҳатлари тилда акс этгани, семантик томондан қандай тасвирлангани ва ушбу ифодага қандай коннотатив маънолар уйғун бўлиши ўрганилмоқда.

Шу билан бирга тилда собит бўлган патриархал маскулинлик ва феминлик стереотиплари ўрганиляпти, бу хил анъаналарга кўра олам манзарасида аёллар иккинчи даражали роль ўйнайди ва асосан салбий тавсифга эга бўлади.³¹

Тадқиқотнинг иккинчи йўналишида асосан эркак ва аёл вербал хатти-ҳаракатларининг фарқланиши ўрганилади. Ушбу назария тарафдорлари эркак ва аёл нутқий фаолиятида ўзига хос хусусиятлар мавжуд деган хулосага келишди, ҳамда, гендерлект атамасини олиб кирди. Ушбу концепция тарафдорлари эркаклар ва аёлларнинг ўзаро мулоқотида юзага келадиган коммуникацион ноқулайликларга эътибор қаратишни зарур деб

²⁸ Кирилина А.В. Развитие гендерных исследований в лингвистике. // Филологические науки, 1998. №2. – С. 52.

²⁹ Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи: филол. фанл. номзоди... дисс. автореф. – Т., 2012.

³⁰ Кирилина А.В. Развитие гендерных исследований в лингвистике. // Филологические науки, 1998. №2. – С. 53.

³¹ Исхакова З.З. Сопоставительный анализ эмотивности в свете гендера. – Уфа: РИО БашГУ, 2007 – С. 56.

ҳисобладилар.³² Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан ўзбек тилида, ўзбек халқининг менталитетидан келиб чиқиб бундай ноқулайликлар кўп учраши табиий бўлса-да, бу борада деярли тадқиқотлар мавжуд эмас.

Гендер тилшунослиги соҳасидаги дастлабки ишлар аёл нутқининг стандарт тилга, яъни эркак нутқига нисбатан қиёсий таҳлилига асосланган эди. Гендер тилшунослиги ривожланишининг бошланғич босқичидаги энг муҳим ишлардан бири бўлган Робин Лакоффнинг китобида (аёл) нутқининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган бўлиб, улар аёлни ноаниқ, шубҳали, содда ва чекланган, иродасиз ва ваколатсиз деб ифодалайди.³³

Гарбда феминистик тил тушунчаси шаклланишидан олдин, бир қатор масалалар, масалан, грамматик жинс ва экстралингвистик категориядаги “жинс” ўртасидаги боғлиқлик тилшуносликда, хусусан, морфология, грамматика, лексикологияда кўриб чиқилган. Хусусан, рус тилида феминистлар талаб қилган нарсаларнинг кўпи – нафақат эркакларга, балки аёлларга ҳам қўлланадиган расмий мурожаат шаклидаги ўзгариш, мавжуд эди: *тетрадь ученика (цы), родился (лась)* ва ҳоказо. Рус тилида одамларнинг касби бўйича уларнинг ҳақиқий жинсига қараб номлаш анча кенг тарқалган.

Ўзбек тилида аёллар нутқида ҳам бир қатор ўзига хосликлар мавжуд. Улар томонидан ишлатиладиган сўзлар эрлариникидан фарқ қилади. Бу ҳатто сўз туркумларида ҳам сезилади, хусусан, ундов сўзларда. Аёллар сўзлашув оддий нутқида, асосан, ҳой, эй, вой, хай, вой-эй каби ҳис-ҳаяжон ва буйруқ-хитоб ундовларини қўллайди. Мустақил сўз туркумларидан, асосан, феъл сўз туркуми гендерликни фаол ифодалайди. Бу жиҳатдан феъллар шундай имкониятга эгаки, фақат аёлларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳолатларини англатади: *турмушга чиқмоқ, фарзанд кўрмоқ, ҳомиладор бўлмоқ, бошқоронги бўлмоқ, хиром айламоқ, кўз сузмоқ, лаб бурмоқ, соч ўрмоқ, ўсма қўймоқ, лаб бўймоқ ва бошқа...*

Шундай сўзлар борки, улар бугунги глобаллашув шароитида бир пайтлар мавжуд бўлган фарқловчилик хусусиятини йўқотмоқда. Масалан, *овқат пиширмоқ, рўзгор тебратмоқ, машина ҳайдамоқ...*

Тадқиқотнинг “Матннинг гендер аспектдаги структур ва лексик-семантик хусусиятлари” деб номланган иккинчи боби “Матннинг грамматик гендер хусусиятлари”, “Матннинг лексик ва семантик гендер хусусиятлари”, “Матнларнинг лингвистилистик гендер хусусиятлари” каби қисмлардан иборат. Гендер тилшунослиги ёки лингвистик гендерология – бу тилшуносликнинг турли жинс вакиллариининг коммуникатив хусусиятларини ўрганадиган ва таҳлил қиладиган бўлими. Эркаклар матнида кириш сўзлари, айниқса мантиқий муносабатни кўрсатадиган сўзлар кўп учрайди: *шубҳасиз, кўринадики, шунинг учун каби*. Шунингдек, эркаклар нутқининг тартибли тузилишини яхши кўрадилар: “биринчидан – иккинчидан”. Эркакларнинг ёзма нутқида мавҳум отларнинг

³² Пушкирева Н.Л. Женщина. Гендер. Культура. – М.: Терра, 1998. – Б.101.

³³ Крейдлин Г.Е. Мужчины и женщины в невербальной коммуникации. – М.: Флинта: Наука, 2005.- С.99.

мавжудлигини кузатиш мумкин, аммо улар одатда баҳолашда анча хасис бўлиб турли хил баҳолаш воситаларига мурожаат қилмайди. Эркаклар ундов белгисини унчалик хушламайдилар, смайликлардан ҳам камдан кам фойдаланадилар.

Оғзаки ва синтактик курилиш нуқтаи назаридан, гендерга йўналтирилган нашрларда эркак ва аёл нутқининг барча стереотипларини акс эттиришга қасддан интилиш яққол намоён бўлади: яъни эркак нутқи кўпол, кескин, аёл нутқи эса кириш сўзларнинг кўплиги, турли хил фикрни юмшок тарзда ифодалашга ёрдам берадиган воситалардан унумли фойдаланиши билан ажралиб туриши таъкидланаверади. Амалда эркак ва аёл нутқини бир-биридан фарқлаш чуқур назарий изланишларни талаб қилади.

Аслида аёл киши эркакларга нисбатан зеҳнли, ҳаракатчан ва чидамли, шунинг билан бирга таъсирчан бўлади. Айрим туйғуларни эркакларга қараганда нозикроқ англайди. Жумладан, француз тилидаги матнларда бунга гувоҳ бўлиш мумкин:

*Voilà ce qui fait regretter la vie. Mais vous ne songez guère à ces choses-là, vous autres, les hommes d'aujourd'hui. Vous êtes des boursiers, des commerçants et des pratiques. Vous ne savez même plus nous parler. Quand je dis "nous" j'entends les jeunes. Les amours sont devenues des liaisons qui ont souvent pour début une note de couturière inavouée. Si vous estimez la note plus cher que la femme, vous disparaissiez ; mais si vous estimez la femme plus haut que la note, vous payez. Jolies moeurs... et jolies tendresses !...*³⁴

Мопассаннинг мазкур асарида ҳам қаҳрамон аёлнинг эркакларга нисбатан айрим эътирозлари баён қилинади. Айниқса, унинг эркакларнинг савдогарлик ва тадбиркорликка берилиб кетиб аёлларга эътиборсиз бўлаётгани севгининг унутилгани ҳақида гапирди. Таъкидлаш керакки, қаҳрамон бу ўринда ўз фикрини ифодалашда олмошлардан унумли фойдаланган. Асар қаҳрамони “биз аёллар” ифодасини қўллайди. Мазкур ифода, яъни кўплик шаклидаги олмош бутун жамиятдаги аёллар ҳақида гапирилаётганини англатмоқда.

Гендер тафовутининг шаклланиши гендер стереотипи билан чамбарчас боғлиқ. А.В. Кирилина, гендер стереотиплари – бу иккала жинсдаги кишиларнинг сифати, атрибутлари ва хатти-ҳаракатларининг нормалари ва уларнинг тилидаги имижига оид маданий ва ижтимоий жиҳатдан аниқланган қарашлар ва тахминлар эканлигини айтади.³⁵ Гендер стереотиплари тилнинг барча даражаларида ифодаланади ва баҳоловчи характерга эга бўлади.

Салбий стереотиплари асосан, соддалаштирилган, схематик, ҳиссий жиҳатдан ранг-баранг бўлади, эркаклар ва аёлларнинг барқарор тасвирлари одатда маълум бир одамларнинг шахсий хусусиятларидан ва гендер хилма-хиллигидан қатъи назар маълум бир гендер жамиятининг барча вакилларига тааллуқлидир.

³⁴ <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/gi-de-mopassan/gi-de-mopassan-ayot-roman/>

³⁵ Кирилина А.В. Некоторые итоги гендерных исследований в российской лингвистике // Гендер: Язык, Культура, Коммуникация. Материалы Третьей Международной Конференции. М., 2003. – С. 12–13.

Шундай қилиб, гендер хилма-хиллиги – бу салбий ва бузилган таркибга эга бўлган ижтимоий муносабат, бу бошқа жинс вакилларига нисбатан ноҳолис нуқтаи назардир.³⁶ Биз гендер йўналишни тил воситаларидан фойдаланган ҳолда мулоқот жараёнида ўзгариб турадиган баҳоловчи, стереотипли маълумотлар сифатида таҳлил қиламиз.

Бадиий нутқдан ташқари расмий нутқлар ҳам илмий текширилиб кўрилганда, аёлларга хос бўлган айрим гендер хусусиятлар намоён бўлди. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаеванинг гендер тенглик масаласида сўзлаган нутқидан фойдаланамиз:

– “Мана давлатимиз раҳбари ҳокимиятга келганидан сўнг, гендер тенглик масаласи баралла айтила бошланди. Ҳозир аёлларнинг ўрни қанчалик ўсиб бораётганини кўриб турибсиз. Биз парламентдаги аёллар улуши нуқтаи назаридан дунё бўйича энг юқори ўринлардамиз. Вазир аёллар, вазир ўринбосарлари, қўмита раислари, элчи, ҳоким аёллар пайдо бўляпти. Бу фақат жараённинг бошланиши.

Мана ҳозир шу ерда ўтирган парламент аъзолари орасидаги қизларимиз ҳам фаол бўлиши, ҳам оиласини намунали қилиб кўрсата олиши керак. Чунки бизда шундай талаб бор: оила ҳам намунали бўлиши керак. Турмуш ўртоғи билан яхши яшаб, мана шу лавозимларни эгаллайман деса, албатта кўллаб-қувватлаймиз. Гендер тенглик сиёсати мана шу тарзда давом этаверади”.³⁷

Кўринадики, аёлнинг мавқеи нақадар ошмасин, унинг учун оилавий масалалар муҳим бўлиб қолаверади. Бу ўринда “оила”, “турмуш ўртоқ”, “намунали оила” каби тил бирликлари шунга ишора қилади.

Реклама хабарларининг матнларини таҳлил қилиш жуда қизиқ, чунки реклама одатда гендер йўналтирилган бўлади. Кўпинча ўқувчининг ўзини ўзи баҳолаши ва атрофидаги одамларнинг уни қабул қилиши урф-одатлар ва стереотипларга, шунингдек, касбий, ижтимоий белгиларга боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида унинг жамиятдаги мавқеини шакллантиради. Гендер стереотиплари орқали бизнинг ҳаётимиз ва танловимизга ўзгартиришлар киритадиган гендер роллари белгиланади. Вақт ўтиши билан, бу стереотиплар биз учун ҳаёт давомида амал қиладиган ўзига хос стандартларга айланади. Қисқача айтганда, бизнинг тадқиқотимиз реклама матнининг грамматик ва лексик таркибий қисмларининг унинг коммуникатив самарадорлигига таъсирини ўрганиш учун муҳимдир. Ўзбекистон тилшунослигида реклама тили масаласи кўп ўрганилган эмас. Аммо шу соҳада иш олиб борган тадқиқотчилар реклама самарадорлиги омилларини анча тўқис белгилаб бера олган:

- “а) маҳсулотни аниқ ва реал тавсифлаш ва баҳолаш;
- б) маҳсулотга ўз муносабатини тўғри, очиқ-ойдин ва адолатли баён қилиш;
- в) истеъмолчилар аудиторияси манфаатлари, ижтимоий мавқеи ва имкониятларини ҳисобга олиш;

³⁶ Кирилина А.В. Некоторые итоги гендерных исследований в российской лингвистике // Гендер: Язык, Культура, Коммуникация. Материалы Третьей Международной Конференции. М., 2003. – С. 12–13.

³⁷ [http:// qalampir.uz/news/uzbekistonga...](http://qalampir.uz/news/uzbekistonga...)

- г) маҳсулотга истеъмолчи эътиборини жалб қилиш;
- д) истеъмолчида маҳсулотга қизиқиш уйғотиш;
- е) маълумотларни кундалик ҳаётда ишлатиладиган содда жумлалар билан баён этиш;
- ё) истеъмолчи онгида ахборот синтезлашуви жараёнини ҳисобга олиб, қисқаликка риоя қилиш.

Буларнинг амалга ошиши реклама мўлжалланган аудиториянинг менталитал, социал хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик рекламанинг прагматик-коммуникатив қимматини белгилайди.”³⁸

Таҳлил натижаларига кўра, ҳар бир реклама матни индивидуалдир ва ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга, деган хулосага келишимиз мумкин, бунинг ёрдамида уларнинг гендер йўналишларини аниқлаш мумкин. Масалан, аёллар аудиториясига қаратилган реклама учун "аёллик" семантик майдони ўзига хос бўлиб, ўз навбатида куйидаги тематик гуруҳларни ташкил этади: гўзаллик, аёллик, ёшлик, заифлик. Шунингдек, бундай реклама турига ўқувчилар билан сўроқ гаплардан иборат диалогга киришиш характерлидир. Бундай матнларда сифат лексик birlikларга кенг ўрин берилади: fresh (мусаффо), glamorous(мода,назокатли), gentle(олижаноб,мулойим), young (ёш).

Француз атир ва кремлари машхур бўлганлиги сабабли уларни бутун дунёда сотиб олишади. Албатта, бунда реклама матнларининг аҳамияти катта.

Nouveau french kiss. La nouvelle collection de soins teintés pour des lèvres belles à croquer (Caudalie) Тана аъзоларини фойдали моддалар билан тўйинтирувчи ажойиб крем ҳақида мана шундай рекламалардан фойдаланилади.

70-йилларда аёлларнинг мулоқот ҳулқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида умумий қоидалар ишлаб чиқилган. Бу нормадан, яъни эркаклар нормасидан оғиш деб ҳисобланди. Бундай муносабат нафақат таниқли тилшуносларнинг ёзувларида, балки халқ онгида ҳам ўз аксини топган. Масалан, халқ мақоллари (Элакка чиққан аёлнинг элик оғиз гапи бор) ва эртаклари(Чалпак ёққан кун). Аёл нутқи ҳақидаги бундай қарашларни тадқиқотчилар куйидагича жамлашади:

1. Аёллар кўп гапирдилар.
2. Аёллар савол беришни яхши кўрадилар.
3. Аёллар қайта қайта савол беришни яхши кўришади.
4. Аёллар баҳолаш ва мурожаат қилишда ортиқча нарсаларга мойил.
